

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

"Мен анлаган заёт  
зақикати"

Виждонли киши  
хавфдан холи яша-  
са, хиёнат қилув-  
чи киши беҳаловат  
яшайди.

АЗ-ЗАМАХШАРИЙ

2019 йил 19 февраль


сешанба № 6 (1158)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/



Давлат  
Хизматлари  
Агентлиги

## Президентимизнинг "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида"ги Қарори қабул қилинди.

### Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 июндан:

давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний ва юридик шахслар исталган жойдаги Давлат хизматлари марказларидан (протиска ва почта манзилдан қатъий назар) мурожаат қилишга ҳақли;

давлат хизматларини олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этганда, давлат бож, йиғимлар ва бошқа тўловлар Марказлар орқали ёки бевосита хизмат кўрсатувчи органларга мурожаат этганда тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорини тўланади.

2019 йил 1 августдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга кўйилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғриси-

да маълумотномалар талаб қилиниши тақиқланади.

2019 йил 1 апрелдан қуйидаги ҳужжатларни олиш бўйича талаблар бекор қилинади:

Экспорт контракт рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома;

Мол сўйишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси;

Ер қазғи участкасидан фойдаланишида бузилган ерлар қайта тикланганлигини ҳақида ҳулоса;

Вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситалари реклама қилишга рухсатнома;

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қиладиган тадбиркорлик субъектларининг савдо объектлари жойлашувчи;

Ерларнинг барча топифаларида геологик-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа турдаги қидирув ишларини олиб боришга рухсатнома.

▶ 4-БЕТ

РОССИЯДА врачларга электрошокер тарқатишмоқда, Украинада akkaураш турларини ўргатишяапти, Ирландияда уларга жисмоний тажовуз қилганлик учун 5 йилгача қамоқ жозоси белгиланди, Ироқда шифокорларга қурол олиб юриши учун рухсат берилди...

Жорий йил 29 январь куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан тайёрланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Мазкур лойиҳа билан ўз хизмат вазифасини бажариб турган тиббиёт ходимига бемор ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан ғайриқонуний равишда тажовуз қилиниши ёки уларга тан жароҳати етказилишидан иборат қилмишларни Жиноят кодексининг безорилик учун жавобгарликни кўзда тутувчи 277-моддаси билан квалификация қилиш ҳамда ушбу ҳаракатларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш таклиф этилмоқда.

Лойиҳа маъқулланса ва амалга жорий этилса, ушбу модда нафақат врачлар, умуман хизмат вазифасини адо этаётганда тажовузга учраган ҳар қандай касб эгасига нисбатан қўлланилиши мумкин. Лекин нега айнан Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу лойиҳа билан чиқаяпти, деган савол туғилиши табиий. Биз шу савол билан вазирликка мурожаат қилдик.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ИЗОҲИ

Руслан МУҲАММАДИЕВ,  
Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги юридик  
бўлим бошлиғи:



Афсус билан айтиш керакки, бугунги кунда беморнинг ўлими ёки соғлиғи ҳолати ёмонлашишида бирор-бир айби бўлмаса-да, шифокорни айблаш ва унга ноқонуний тажовуз қилиш ҳолатлари кўпайиб кетмоқда. Охириги пайтларда бундай ғайриқонуний тажовуз акс этган тасвирлар ижтимоий тармоқларда кўп учраяпти.

— Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги жиноят қонунчилигида хизмат вазифасини бажариб турган тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз қилиш, уларга бу жараёнда тан жароҳати етказиш учун жавобгарлик чоралари нисбатан енгил ҳисобланади. Оқибатда, хизмат вазифасини ўтаб турган тиббиёт ходимларининг соғлиғига, ҳаттоки тиклаб бўлмайдиган жароҳат етказган айбдор шахс-

лар ҳам айрим ҳолларда ҳеч қандай жазо ўтамасдан қолиб кетмоқда. Бу эса тиббиёт ходимларида ўзларига нисбатан содир этилган тажовузлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишдан ҳеч қандай наф йўқ, деган тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Кузатувлар бундай ғайриқонуний тажовузга учраган шифокорларнинг бештадан фақат биттасигина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб мурожаат этишаётганлигини кўрсатмоқда".

Яқиндагина Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Ипотека банк" биноси олдида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимига зўравонлик қилган ҳайдовчига нисбатан суд ҳукми ўқилиб, у озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилганлиги тўғрисидаги хабарлар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди.

▶ 2-БЕТ

## ШИФОКОРНИ УРГАННИ ҚАМАШ КЕРАК(МИ?)

### САҒИФАЛАРДА:

#### Оёғи ердан узилган мансабдорлар

...Вилоятда 7 900 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. 98 нафар масъул ходим маъмурий, 22 нафар шахс эса интизомий жавобгарликка тортилди. Улардан 19 нафари билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

2-3 БЕТ

#### Қарзимиз йўқ, ammo электр чироғидан айиришди ...Яна одамлар овворагарчилиги ҳақида



#### ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

3-БЕТ

#### Сохта тўловга чув тушириб, юзи шувут бўлди



КУНДА бўлмаса-да кунда ҳар биримизнинг эшигимизни қайсидир идора ходими тақиллатиб коммунал тўловлар учун қарздорлигимизни ёдга солиши мумкин.

5-БЕТ

#### Йўлнинг нариги қисмига ўтишим керак Пиёдалар йўлаги қаерда?!..

БАРЧАМИЗ турли юмушлар сабаб кўча-кўйдამиз — шошиламиз. Шаҳарнинг уловлар билан гавжум йўлларида бошинг гир айланиб кетади киши. Уша рангин светофорлар, ўша ер ости ўтиш йўллари ва пиёдалар йўллари бизнинг ҳаракат хавфсизлигимизни таъминлашда беминнат кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

7-БЕТ

# ШИФОКОРНИ УРГАННИ ҚАМАШ КЕРАК(МИ?)

Давоми. бошланиши 1-бетда

Ўтган йил 3 август куни водий виллоятларининг бирида М.М. тез тиббий ёрдам ходимларининг кеч етиб келганини, улар келгунга қадар бобосининг вафот этганини айтиб, тез тиббий ёрдам шифокори Ш.С.га ўртача оғир даражадаги тан жароҳати етказгани кўпчиликлари маълум. Ваҳоланки, аини ҳолатда шифокор беморнинг яшаш манзилига 10 дақиқа ичида етиб борган ва борган пайтда бемор аллақачон вафот этган бўлган.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи М.М. Жиноят кодексининг 105-моддаси, Биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганидан айбдор, деб топилди, 2 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, лекин жазо шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган. Мазкур шахсга нисбатан суд ҳукми ўқилгунга қадар ҳам унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган. Оддийроқ айтганда, ҳеч қандай айби бўлмаган, беморга ёрдам бериш истагида ўз вақтида етиб келган шифокорнинг соғлиғига тиклаб бўлмайдиган жароҳат етказган шахс амалда ҳеч қандай жазо ўтамаган.

Бу ерда эътиборли жиҳати нимада? Ўз хизмат вазифасини бажараётган, тегишли жисмоний ва махсус тайёргарликдан ўтган ва ёнида ҳодир қуроли ҳам бўлган ички ишлар ўқидимига муштумзўрлик қилган қонунбузарнинг ҳаракатлари безорилик деб баҳоланади ва айбдор суд ҳукми билан жазо ўташ учун озодликдан маҳрум этиш жойларига юборилади. Лекин худди шундай халққа хизмат қилаётган оддий шифокорнинг соғлиғига ҳеч бир сабабсиз тиклаб бўлмайдиган жароҳат етказган шахснинг ҳаракатлари безорилик, деб топилмайдими ва у енгилроқ жазони кўзда тутувчи Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан судланадими ҳамда жазодан қутулиб қолади.

"Жамиятимизда кўпайиб кетаётган бундай иллатни олдини олишнинг энг асосий ва самарали йўлларида бири сифатида ўқоридими каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлиқни кучайтириш, бундай ҳаракатларни безорилик сифатида квалификация қилиш лозим, — дейди Руслан Мухаммадиев. — Сабаби Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорининг 13-бандига мувофиқ, башарти, шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан аини вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурмат-

сизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилиниши лозим".

## ТАШВИШЛИ СТАТИСТИКА

Юқорида биз врачларга беморлар томонидан тажовуз бутун дунё бўйлаб у ёки бу даражада кузатилишини, унга қарши ҳар бир мамлакат ўзига яраша чоралар қўллаётганини айтдик. Аммо бу билан ҳаммада ҳам шу экан, дея қўл қовуштириб ўтириш ҳам бўлмайди.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш қўмитаси раиси Зайниддин Низомхўжаевнинг маълум қилишича, ўтган йили беморлар томонидан шифокорларнинг даволаш натижаларидан асосси равишда норозилик билдириб, уларга нисбатан шахсий адовати оқибатида Республика Шошлинч тиббий ёрдам илмий марказида 30 га яқин ҳолатда ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 3 нафар тиббиёт ходими нисбатан жисмоний ва маънавий зарар етказилган.

Бизда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти даражасини, умуман ижтимоий ривожланишимизнинг бугунги даражасини ҳисобга олган ҳолда, шифокорларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва руҳий ҳимояси масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу давр тақозоси.

## ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ

Арманистонда бу тажриба амалга оширилган, яъни Жиноят кодексига қўшимча модда киритилиб, врач ўз хизмат вазифасини бажараётганда, унинг ҳаёти ва саломатлигига ҳавф солувчи тан жароҳати етказиш учун 2 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш чораси белгилади. Лекин бу кенг жамоатчилик томонидан норозилик билан қабул қилинди.

Аввало, нега врачлар учун алоҳида ҳуқуқий ҳимоя берилмапти, ахир, ҳар қандай инсонга нисбатан тан жароҳати етказиш учун жавобгарлик бор-ку, деган эътироз бўлди.

Қолаверса, ўзига ёрдам бериш учун келган одамни сабабсиз уриб кетиш га-лати-ку? Вақтида келмагандир, ёрдам беролмагандир ё нотўғри даволагандир... балки умуман тизимда ҳатолик

бордир. Шу сабабли врачларни ҳимоялашдан аввал ҳар бир фуқаронинг сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш керак эмасмиди?

## МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ



Фурқат ТОЖИЕВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Лойиҳа билан Жиноят кодексининг безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи 277-моддасининг, учинчи қисмини қуйидаги қўшимча билан тўлдир-иш таклиф этилмоқда:

"э) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариношларига нисбатан содир этилган бўлса, —".

Бунда ушбу жиноят учун уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси бериллади.

Амалиётда хизмат вазифасини ўтаётган шахсларга қилинган зўравонликка жазо унинг оқибатларига, яъни етказилган шикастга қараб бериллади.

Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга ўртача оғир шикаст етказиш уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан оғир шикаст етказиш эса беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Яъни, ҳозирги Жиноят кодексига ушбу жиноят учун жазолар етарлича белгиланган.

Лойиҳада таклиф этилаётган жазо, назаримизда, қилинаётган жиноят даражасига мос эмас. Назарий жиҳатдан шифокорни ёки МИБ ходимини бир шалалоқ урганлиги учун (ҳозир жарима тўлайди) шахс 5 йилга қамалиб кетиши мумкин.

Шу сабабли ушбу масалани атрофлича таҳлил қилиб кўриш керак.



Обиджон ЛАТИПОВ, шифокор:

— Ушбу ҳужжат лойиҳаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан чиққани мен учун қўйилмаган, аммо жуда ижобий ҳолдир.

Нега врачларни алоҳида ҳимоя қилиш керак, уларнинг бошқа соҳа вакилларидан нима ортиқ жойи бор, деган савол ўринсиз. Чунки врачнинг беморлар томонидан қалтаклиниши ва унга жисмоний зарар еткази-лиши кўчада икки инсоннинг ўзаро келиш-мовчилик туфайли жанжаллашиб қолиши-дан фарқи ҳолатдир.

Шифокор ўз рўзғори учун маҳсулот олгани бозорга харидор сифатида ёки бизнеси учун кредит сўраб банкка мурожаат қилган миқдор эмас. Шифокор хизмат бурчи юза-сидан одамларга ёрдам бергани борапти. Агар у кечиккан ёки бирон сабаб билан беморга вақтида ёрдам бермаган бўлса, бу ер-да фақат унинг айби билан бу воқеа содир бўлмаган. Врач вақтида етиб бориши учун яхши улов ва йўллар, малакали тиббий ёр-дам кўрсатиши учун зарур дори-дармон ва ускуналар, биланларини адашмай тўғри қўлаши учун лозим шарт-шароит керак. Хуллас, тизимнинг тизимли муаммоларида врачни айблаб, унга қўл кўтаришни ҳеч ни-ма билан оқлаб бўлмайди ва буни жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат, деб баҳолаш керак.



Абдулазизхон АҚРАМОВ, шифокор:

— Врачлар хизмат вазифасига кўра инсонлар билан кўп мулоқот қилади-лар. Бу мулоқот фақатгина тиббиёт му-ассасида эмас, ундан ташқарида ҳам рўй бериши мумкин. Масалан, шифокор беморнинг уйига боради. Ҳар қил одам бор: руҳий касал, гиёҳванд, ичкиликбоз ёки тажовузкор. Ё бўлмаса, беморлиги туфайли инжиқ, қариношлари эса аса-бий... Шундай муҳитга касб тақозоси билан кириб борадиган, ҳеч бир қуролсиз ва ҳимоясиз инсонларга ҳуқуқий ҳимоя бўлиши керак.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, жазони кучайтириш жиноятнинг камайишига хизмат қилмай-ди. Ушбу йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни тизимли ташкил этиш лозим.

Жамоатчиликнинг шифокорларга нис-батан тўғри муносабатини шаклланти-риш учун ушбу масаланинг бугунги кун тартибига қўйилгани ижобий ҳолдир. Зеро, шифокорларга қарши кўтарилган қўл охир-оқибат инсоннинг ўз саломат-лигига қарши кўтарилган қўлга айланishi шубҳасиздир.

Шаҳноза ТўРАХЎЖАЕВА,  
журналист

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшим-ча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурил-ган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталиқ умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони тураржойи бўла туриб унга эгалик қила олмаётган минглаб ҳаюмртларимизнинг армонлар амалга ошиб, орзуларига етишишлари учун беқиёс имко-ният яратиб берган давлат раҳбарининг ўзбошимчилик билан қурилган иморатларга нисбатан эгалик ҳуқуқини белги-лаб беришдек хайрли ишларни назарда тутди.

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилоят бош-қармаси томонидан мазкур Фармон ижросини таъмин-лаш мақсадида чиқарилган ҳуқумат қарорининг ижроси ўрганилганида виллоятда 7 900 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганига ҳамда 98 нафар масъул ходим маъмурий жавобгарликка, 22 нафар шахс эса илтизоий жавобгарликка тортилиб, улардан 19 нафари билан ту-зилган меҳнат шартномалари бекор қилинганлиги айрим мансабдор шахсларга нисбатан норозилик кайфиятини уй-ғотди.

Давлат хизматлари марказларига виллоятда ушбу ак-цияни умид билан кутган, ўз уйига ўзи қонуний эгалик қи-ла олмаётган фуқаролардан 42 885 та ариза келиб туш-

ган бўлиб, уларнинг атиги 13 340 таси (31 фоиз) тегишли комиссиялар томонидан кўриб чиқилган ва шундан 5 311 таси (39,8 фоиз) бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарор-лари чиқарилиши таъминланган, 2362 та (17,7 фоиз) ари-зага туман (шаҳар) комиссиялари томонидан рад жавоби берилган, 3900 та (29,2 фоиз) ариза бир марталиқ йигим тўланмаганлиги сабабли ниҳоясига етмаган, 1767 та (13,2 фоиз) ариза юзасидан тайёрланган қарор лойиҳалари эса жойлардаги ҳокимлар томонидан имзоланмасдан ташлаб қўйилган.

Жумладан, Янгийўл туманида 196 та, Бўстониққ тумани-да 163 та, Бекобод ва Зангиота туманларида 143 та-дан қарор лойиҳаси ҳокимлар томонидан имзоланмаган.

Янада ачинарлиси шундаки, комиссиянинг ишчи органи томонидан аризаларнинг 12721 таси муҳокамага қўйилма-ган, қолганларини кўриб чиқиш эса мутасадди идоралар-нинг хизмат вазифаларига нисбатан муносабатларига боғлиқ бўлиб турибди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирги кунга келиб турган аризалардан қолган жами 35 212 таси (82,1 фоиз) ўрганиш жараёнида туриб қолган.

Бунга сабаб нима? Жавоби битта айрим мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги ёки хайрли иш нималиги-ни унутиб қўйганлиги ёки ниманидир қутаётганлиги, яъни

## Оёғи ЕРДАН УЗИЛГАН

эскича ишлаш услубидан қўтила олмаётганлиги бўлиши мумкин.

Акс ҳолда аризани кўриб чиқиш муддати бор йўғи 11 иш кун белгиланган бир пайтда, ойнаб қўриб чиқилмаган-лигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Масалан, Тошкент вилоят Зангиота туман ҳоким-лигида Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эъти-роф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман комис-сияси ҳамда унинг ишчи органи томонидан фуқаро Д.Қ. нинг ўзбошимчилик билан қурган уйига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб берган аризасига асо-сан туман давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 27 август куни юборилган сўровнома йил тугаган, аниқроғи



## ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ



# Қарзимиз йўқ, аммо электр ЧИРОҒИДАН АЙИРИШДИ

### ...Яна одамлар овворагарчилиги ҳақида

**ДАРҲАҚИҚАТ, одамларнинг ҳаётдан, бугунги яшаётган кунидан розилиги ҳақида гап кетганда, энг аввало, уларнинг бандлик, тиббиёт, таълим, электр энергияси, газ, ичимлик суви, йўллар каби кундалик турмушидаги бирламчи эҳтиёжлари кўз олдимишга келади. Агар улар рисоладагидек бўлса, демакки, инсонлар ҳам уз ҳаётидан рози ва мамнун.**

Тахририятга Бўка тумани, Самарқанд маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар Пардамурод Муҳаммедов ва Собит Далабоевлардан шикоят-аризаси келиб тушди. Унда баён этилишича, ушбу фуқаролар истиқомат қилаётган хонадон электр энергиясидан қарзи бўлмаса-да, аммо қарзинг бор, деган ваз билан Бўка туман Мажбурий ижро бюроси ходимлари томонидан узиб қўйилган. Мазкур масала юзасидан журналистик текширув ўтказилиши сўралган. Хуллас, фуқаронинг шикоят-аризасида баён этилган ҳолат ачинарли эди. Шу боис, масалага ойдинлик киритиш мақсадида Бўка туманига бордик.

### “МАЖБУРИЙ МЕҲНАТДАН ҚУТУЛДИК, ҲАР ХИЛ МАЖБУРИЙ ЙИҒИМЛАРДАН ХОЛОС БЎЛДИК. ЭНДИ ЕМАГАН СОМСАМИЗГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВМИ?”

Туман марказида электр токидан узилган хонадон соҳиблари билан учрашар эканмиз, улардан бирининг айтган гапи шу бўлди:

— Юртовшимизнинг саяё-ҳаракатлари билан биз ўқитувчиларнинг елкасига ҳам кун тегиб қолди. Мажбурий меҳнат, ҳар хил мажбурий йиғимлар, турли қозғобозликлардан холи бўлган бир вақтда ишлатма-

ган электр энергиямиз учун қарзинг бор, дея узиб қўйишса, одамга алам қилар экан. Хуллас, 2018 йилнинг 28 декабрида Пардамурод Муҳаммедов ва Собит Далабоевлар истиқомат қилаётган хонадонларга Бўка туман Мажбурий ижро бюроси ходимлари боришади. Хонадон соҳибларидан электр ҳисоблагич дафтарчасини сўрайди. Ҳисоб дафтарчаси ва электр кўрсаткич ускунасини солиштириб текширган бюроси ходимлари хонадон соҳибларига, яъни Пардамурод Муҳаммедовга 1.117.000 сўм, Собит Далабоевга эса 1.094.000 минг сўм электр энергиясидан қарзингиз бор, 5 кун ичида тўлаб қўйинг, дея талабнома ёзиб кетади.

Хонадон соҳиблари бунга ҳайрон қолади. Чунки мазкур хонадонларнинг оила бошлиқлари тумандаги 39-умумий ўрта таълим мактабига ўқитувчи бўлиб ишлайди. 2018 йилнинг ўрталаригача ҳар ойлик иш ҳақидан электр энергияси учун, деб ушлаб қолиниши натижасида ҳисоб рақамидан ортиқча захира пули мавжуд бўлиб келган. Мазкур масалага ойдинлик киритиш мақсадида хонадон соҳиблари 2018 йилнинг 29 декабрида Бўка туман электр тармоқлари корхонасига бориб электр энергиясидан қарзи бор ёки йўқлигини текширишни айтиди. Корхона масъул ходими Шухрат Норматов корхона баъзасидан текшириб кўргач, иккаласига ҳам сизларда электр энергиясидан ҳеч қандай қарздорлик мавжуд эмас, аксинча сизларнинг захира пуллари йўқ ҳам бор, дея ҳисоб дафтарларига ёзиб беради. Бундан кўнгли хотиржам тортган фуқаролар уйига қайтади.

### МАЪЛУМОТНОМА... МАЪЛУМОТНОМА... ЯНА МАЪЛУМОТНОМА...

2019 йилнинг 12 февралда Мажбурий ижро бюроси ходимлари яна юқорида кўрсатилган хонадонларга боради. Хонадон эгалари бизнинг қарзимиз йўқ экан, мана ҳисоб-китоб дафтарчасига ҳам ёзиб беришди, дея уларга электр корхонаси масъул ходимининг ёзиб берганини кўрсатишади. Аммо буни бюроси ходимлари инобатга олмади. Барибир сизларда қарздорлик мавжуд, деган ваз билан мазкур хонадонларни электр токидан узиб қўяди. Хонадон эгаларининг уйда ёш боламиз бор, боз устига у бетоб, деган ҳайқириқлари ҳавога учди. Бюроси ходимлари яна талабнома ёзиб хонадон соҳибларига қўл қўйдиради ва энди электр энергиясига уланиш учун энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридидаги жарима тўлаши шартлигини ўқитди. Шундан сўнг хонадон соҳиблари туман мажбурий ижро бюроси ва туман электр корхонаси орасида сарсон-саргардон кезади. Бюроси мутасаддилари электр корхонасидан қарзи йўқ,

деган маълумотнома келтиришини сўрайди, электр корхонаси эса маълумотнома бермайди. Аниқроғи, беролмаган. Шундан сўнг иложсиз қолган хонадон соҳиблари бюроси газнасига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридида пул тўлаб электр чироғини ёқишга рухсат олади.

### “РАҲБАР ҲУДУД АЙЛАНА- ЯПТИ”

Биз мурожаат муаллифлари билан Бўка туман электр тармоқлари корхонасига бордик. Корхона қоровулдан раҳбар билан учрашишимиз кераклигини айтдик. У эса раҳбар йўқлигини билдирди. Уринбосари билан бўлса ҳам учрашишимиз зарурлигини айтганимиздан сўнг қоровул бизни ичкарига бошлаб раҳбар ёрдамчисига рўбарў қилди. Узини Мирсоат Содиқов, деб таништирган раҳбар ёрдамчисига бир неча саволлар билан юзландик ва масалага ойдинлик киритиш беришни сўрадик. Раҳбар ёрдамчиси юқоридаги фуқароларнинг бу ҳолатга тушиб қолишини қўйидагича изохлади:

— Бу кишиларнинг электр энергиясидан қарзи йўқ, 2013-2015 йилларда туманда хатлов бўлган, ўшанда бу фуқароларнинг пуллари бизнинг “база”га киритилмай қолган бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида жойлашган Тошкент вилоят электр тармоқлари корхонасининг вилоятга кўчаётганлиги боис тизимимизда “база” ишламай турибди. База ишлагандан сўнг бу масалага ойдинлик киритамиз, — деди у ўз гапида. Биз раҳбар ёрдамчисидан: — Бу фуқароларга ҳозирда қарзи йўқ, деган маълумотнома бера оласизми? — дедик. У киши: — Юқорида таъкидлаганимдек, бизда ҳозир “база” ишламай турибди, шу боис маълумотнома ҳам беролмаймиз, — деган жавобни олдик. Балки бу масалага корхона раҳбари ойдинлик киритиб беради, деган мақсадда раҳбар қачон келишини сўрадик. “Раҳбар ҳудуд айланаяпти, шу боис бугун келолмайди”. Хуллас, биз туман электр корхонасидан на қарзи йўқ, деган маълумотнома, на захирада пули бор, деган қозғоб ололмай Бўка туман мажбурий ижро бюроси томон йўналдик.

### “БУ, БИЗНИНГ ТАЛАБНОМА”

Электр корхонасидан оғзаки қарзи йўқ, деган гапни оғзимизга солиб туман мажбурий ижро бюросига кириб бордик. У ерда бизни бюроси бошлиғи Абдумуталиб Нурматов қарши олди. Бошлиқ хонасида мурожаат муаллифлари билан юзма-юз суҳбат қилиш асносида Бюроси бошлиғи фуқароларнинг мазкур муаммосига қўйидагича изоҳ берди:

— Бюроси инспекторлари фуқароларга

қарздорлик бўйича талабнома бердимиз? Демак, фуқаро талабномада кўрсатилган муддатда ўша қарздорликни бартараф қилиши керак. Чунки бу бизнинг талабнома. Лекин бу фуқаролар электр корхонасига борганда у ердан сизларда қарздорлик мавжуд эмас, деган жавоб билан бамайлихотир уйига қайтишган. Ваҳоланки, шундай экан электр корхонасидан бизга мазкур фуқароларнинг қарздорлиги мавжуд эмас, деган маълумотнома келтириб бериши керак эди. Мен тўғри тушунаман гоҳида фуқароларнинг қарздорлигини тўлаш учун маблағ етмаслиги ёки кейинроқ тўлашга имконияти бўлиши мумкин. Шундай вақтда менинг олдимишга келиб вазиятни тушунтирсан, мен бажонидил, қўлимдан келганча ўша фуқаронинг талабини бажараман. Жумладан, ушбу фуқаролар ҳам олдимишга келиб юқоридаги вазиятни ойдинлаштириш учун вақт сўраганида мен чорасини кўрадим. Афсуски, улар менинг олдимишга хонадон электр энергиясидан уланиш учун рухсатнома ёзиб бердик. Қарздорлигига келсак, ушбу фуқароларда бизнинг “база”мизда ҳали ҳам ўша қарздорлик мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Мажбурий ижро бюроси идорасидан чиқар эканман ҳаёлимга келгани шу бўлди. Бюроси инспекторлари ҳам худди ўз раҳбаридек фуқароларнинг дардини тингласа, уларнинг имкониятларини инобатга олса, ҳеч бўлмаганда раҳбарига телефон орқали вазиятни тушунтирганда эди юқоридаги ҳолат юзага келмасми? Ҳар қалай бюроси инспекторлари ҳам роботлар эмас-ку.

### ЗАРАРНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

Ҳа, бугун мурожаат муаллифларининг иккаласида ҳам шу савол. “Биз қарзимиз бўлмаган электр энергияси учун тўлаган жаримани ким қоплаб беради? Қолаверса, бу учун қанча сарсон бўлиб, тақсима-тақсима юрдик”. Улар Мажбурий ижро бюросига туман электр тармоқларидан қарзи йўқ, деган маълумотнома олиб боролмай халак. Мазкур корхона эса уларга қарзи йўқ, деган маълумотнома беролмаяпти. Муаммо шунда.

Биз вазиятни ёритишга баҳоли қудрат ҳаракат қилдик, мутасаддилардан эса ушбу муаммолни масалага қандай чора кўришни кўтиб қоламиз. Зеро, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бош мақсади бўлган демократик-ҳуқуқий давлатимизнинг талаби ҳам шу.

Ёрбек ИСКАНДАРОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

нидан кейин жавоб беришган.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими эса 2018 йил 1 октябрда юборилган юқоридаги сўровномага орадан 135 кун ўтган бўлса-да, аниқроғи, шу кунга қадар жавоб беришни лозим топмаган.

Мазкур бўлим томонидан яна 35 та сўровномага мутлақ жавоб берилмаган, яъни беъътйбор қолдирган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси, қурилиш бўлими, ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси идораларининг масъул шахслари эса 2018 йил 23 октябрда муҳофамага чиқарилган сўровномаларга жавоб беришни ўзларига мақбул қўришмаган. Мазкур идоралар томонидан яна 8 та сўровномага мутлақ жавоб берилмаган.

Комиссиянинг ишчи органига ўтган йилнинг октябр, ноябрь, декабрь ойларида келиб тушган ушлаб аризалар эса шу кунга қадар қўрилмаган.

Президент томонидан берилган имтиёзга, ёрдамга муҳтож фуқаронинг аризасига нисбатан бундай муносабат комиссия аъзолари ҳамда унинг ишчи органи учун оддий ҳолга айланиб бораётганлиги янада ачинарли.

Бундан ташқари, шу кунда муҳокамада турган 11087 та мурожаатдан 5117 таси Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимида, 5073 таси Ички ишлар бўлимида, 4787 таси

Қурилиш бўлимларида, 2284 таси Давлат солиқ инспекцияларида, 954 таси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекциясида қўрилмасдан қўлиб кетган, яъни улар томонидан тегишли маълумотнома ва хулосалар тақдим этилмаган ҳамда муҳокама аяқланган.

2336 та мурожаат юзасидан расмийлаштирилган далолатномалар комиссия аъзолари ва раиси томонидан далолатнома тасдиқланмаганлиги ҳам тушунарли.

Бундай муносабатнинг энг қўп салмоғи, мурожаатлар юзасидан расмийлаштирилган далолатномалар комиссия аъзолари ва раиси томонидан далолатнома тасдиқланмаганлиги ҳолатлари Бекобод (438 та), Янгийул (315 та), Бўстонлик (250 та) туманлари, Ангрэн (282 та) ва Нурафшон (116 та) шаҳарлари ҳиссасига тўғри келади. Давлатимиз раҳбари “ердан оёғи узилиб қолган”, деганда мана шундай масъулиятсиз мансабдорлар назарда тутилганлиги кундай равшан.

Бундан улар ўзларига тўғри хулоса чиқариб олишлари лозим. Акс ҳолда қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигини эсга солишга тўғри келади.

Умид ЮСУФЖОНОВ,  
Давлат хизматлари агентлиги  
Тошкент вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

## МАНСАБДОРЛАР

орадан 135 кун ўтган бўлса-да қўриб чиқилмаган.

Хусусан, Тошкент вилояти “Ер узиш ва кўчмас мулк кадастр” Давлат корхонасининг Зангиота тумани филиали ушбу аризага асосан Давлат хизматлари маркази томонидан юборилган юқоридаги сўровномани бирор бир сабаб ва асосиз 34 кун ушлаб туриб, 2018 йил 1 октябр куни ижрога қаратган, яъни комиссия аъзоларига юборган бўлса, комиссия аъзоларидан бири бўлган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бу сўровномага орадан 23 кун ўтганидан кейин 24 октябр куни, давлат санитария эпидемиология назорати маркази орадан 26 кун ўтганидан кейин 27 октябр куни, туман давлат солиқ инспекцияси орадан 34 кун ўтганидан кейин 5 ноябрь куни, қурилиш бўлими орадан 37 кун ўт-

# ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР!

## АҲОЛИНИНГ РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепцияси ҳамда ушбу Концепцияни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Концепциянинг асосий вазифаларидан бири руҳий ҳолати бузилган шахслар манфаатлари йўлида маъмуриятчилик сифатини ошириш, психиатрия хизмати билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги лавозимлари рўйхатига "Ўзбекистон Республикаси Бош психиатри" ва "Ўзбекистон Республикаси Бош суицидолог" лавозимлари киритилди.

Рухий ҳолати бузилган шахслар уларга психиатрия ёрдами кўрсатилиши вақтида бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди.

Янги тахрирдаги "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилиб, унда аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари функциялари ҳамда ваколатлари аниқ чегараланиши назарда тутилади.

## "ЮКСАЛИШ" УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати — нодавлат нотижорат ташкилоти ва унинг худудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Хукумат Қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, давлат бошқаруш органлари, ҳокимликлар ўз фаолиятини "Юксалиш" ҳаракатининг мустақиллиги ва унинг фаолиятига аралашмаслик принципларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳамкорликда амалга оширади.

"Юксалиш" ҳаракати раиси мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитларига кўра вазирга тенглаштирилади.

"Юксалиш" ҳаракатининг худудий бўлинмаларини зарур техника билан таъминлаш маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА...

Хукумат Қарори билан 2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.


Концепция доирасида мактабга-ча таълим муассасаларидан бошлаб жисмоний тарбиянинг инновацион усуллари такомиллаштирилади.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига талабаларни танлашда уларнинг тренерлик касбиди ишлаш иштиёқига эътибор берилди.

Жисмоний тарбия соҳасидаги кадрлар Sport Management (спортни бошқариш), Sport Leadership (спортта раҳбарлик қилиш), Sport Administration (спорт маъмуриятчилиги) йўналишлари бўйича таъриба ортиради.

SPORTSUZ ахборот портали ҳамда iSPORT спорт иловаси яратилади.

Спортчилар фаолиятини рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш бўйича — "Skmsportsmen", тренерларни маълумот база-



сини таъминлаш бўйича — "Skm-trener" ва республиканинг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортиштиришни таъминлаш бўйича — "Skm-sportinshoot" ахборот тизимлари ташкил этилади.

"Спорт байрами" миллий фестивали ўтказилади.

Шунингдек, Қарор билан Концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида, "Жисмоний тарбия ва спорт" ихтисослаштирилган наشريёт маркази ташкил этилади.

Фуқаролар ўз тураржойларига яқинда жойлашган объектларнинг (таълим, тиббиёт, спорт ва дам олиш муассасалари) жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотларидан фойдаланишини таъминлаш йўли билан уларнинг жисмоний фаоллиги оширилади.

## "АКФА" УНИВЕРСИТЕТИ

"Акфа университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Хукумат Қарори қабул қилинди.

Қарор билан ташкил этилган Акфа университетида фундаментал, тиббиёт, аниқ ва гуманитар фанлар соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Университет масъулияти чекланган жамият шаклидаги нодавлат олий таълим ташкилоти ҳисобланади.

Университетда таълим жараёни инглиз тилида етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби ва қоидалари хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул квоталари Университет томонидан белгиланади.

Университетда таълим олиш тўлов-контракт асосида кундузги шаклда амалга оширилади.

Университет битирувчиларига Ўзбекистонда олий маълумот сифатида эътироф этиладиган диплом берилади.

## ҲИМОЯ ЎРМОНЗОРЛАРИ БАРПО ЭТИШ УЧУН 100 МИЛЛИАРД СЎМ

"Орол денгизи тубидаги суви қуриган худудларда "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Хукумат Қарори қабул қилинди.

Қарорда таъкидланишича, денгиз қуриши ва шўрланишнинг тезлашуви оқибатида сўнги йилларда 50 минг гектарга яқин экин майдони қишлоқ ҳўжалигида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Қуриган денгиз ўрнида 5,5 миллион гектар-

дан ортиқ майдонни эгаллаган "Оролқум" саҳроси пайдо бўлди.

Қарорга мувофиқ, Орол денгизининг суви қуриган тубида ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилади.

Ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш учун 2019 йил мобайнида босқичма-босқич 100 миллиард сўм ажратилади.

Бундан ташқари, Орол денгизининг суви қуриган худудидида 2019 йил давомида жами 500 минг гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилади.

## УРУҒЛИКЛАР ТОИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

"Уруғчилик тўғрисида"ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

Қонунга мувофиқ, экинларнинг навларини такрор кўпайтириш босқичларига қараб, уруғчиликнинг қуйидаги тоифалари белгиланади:

оригинал;  
элита;  
репродукцион.

Қонун билан уруғчилик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.

Уруғчилик этиштиришда генетик (нав) сифат кўрсаткичларини сақлаб қолинади.

Уруғчиликнинг ўзбекистон худудига олиб киришга қуйидаги шартлар асосида йўл қўйилади, агар:

пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғчиликларини ўзбекистон худудидида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ ҳўжалиги экинларининг давлат рестрига киритилган нав ва дургага жумласидан бўлса;

уруғчиликнинг мувофиқлик сертификати ва фитосанитария сертификати, шунингдек, карантин рухсатномаси мавжуд бўлса;

уруғчилик селекция ва тадқиқот ишлари, кўрғазмага қўйиш учун мўлжалланган бўлса.

Илмий мақсадларда ва навни синаш учун олиб кирилатган ҳамда олиб чиқилаётган уруғчилик учун божхона божини ундирилмайди ва улар квоталанмайди ҳамда лицензияланмайди.

Пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғчиликларини олиб чиқиш Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг ҳулосаси асосида Инновацион ривожланиш вазирлигининг қарорига биноан амалга оширилади. Бошқа экинларнинг уруғчиликларини олиб чиқиш учун махсус рухсатнома талаб этилмайди.

Ўзбекистондан олиб чиқиладиган уруғчиликка Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекциялари томонидан берилган фитосанитария сертификати илова қилинади.

"Huquqiy axborot" телеграм канали маълумотлаш асосида тайёрланди.

## ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАГИ МУҲИМ ҚУЖЖАТ

МАЪЛУМКИ, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор нормаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, республикада демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши Конституция даражасида мустаҳкамланган.

Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда тадрижий асосда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган муҳим омил ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган. Хусусан, ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мувофиқ келади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: "Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир", деб белгиланган. Мазкур қоидалар мамлакатимиз Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унинг 24-моддасига кўра, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир, деб белгиланган. Шу билан бирга, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан бирга Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган бошқа принциплари ва меъёрларининг Ўзбекистон қонунчилигида имплементация қилишнинг изчиллигини кўрсатади.

Инсоннинг асосий жиний таъбиқ ва хусусий ҳаётига аралашадиган ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашга қаратилган вази-фа мамлакатимиз Конституциясининг 19-моддасида белгиланган фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги қоида-да тўлиқ ўз ифодасини топди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда кенг қўламада амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасига доир қонунчилик асосларининг шаклланиши ва унинг мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилиши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фариддун АХМЕДОВ,  
Юристар малакасини  
ошириш  
маркази тингловчиси



## СОХТА ТЎЛОВГА ЧЎВ ТУШИРИБ, ЮЗИ ШУВУТ БЎЛДИ

КУНДА бўлмаса-да кунда ҳар биримизнинг эшигимизни қайсидир идора ходими тақиллатиб коммунал тўловлар учун қарздорлигимизни ёдга солиши мумкин.

Бундай вазиятларда кўпчилигимиз ҳардамхаёллигимизданми ёки масъулиятсизлигимизданми хижолат тортиб, шошганимиздан ҳушёрликни қўлдан бой берамиз. Келган одамнинг кимлигини сўраб, суриштирмай у айтган пулни қўлга тутқазамиз. Бу хатти-ҳаракатларимиз билан қайсидир маънода фирибгарларнинг қўлтиғига сув пуркаётганимизни билсак эди.

30 ёшнинг остонасида турган Равшан Шотурсунов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам айрим фуқароларимизнинг лоқайдлиги сабаб, фирибгарнинг мушугини ҳеч ким пийш, демайди, деб ўйлаб қаттиқ адашганини суд залидагина англаб етди. У қўлларнинг бирида бекорчиликдан зерикдими ё бошқа сабабми, коллежда бирга ўқиган Ихтиёрни йўқлаб, унинг уйига борди. Салом-алиқдан сўнг ўртоғининг қаерда ишлаётганлиги, оладиган машинаси обдон сўраб-суриштирди. Унинг гаплари кўнглига ўтирди. Айниқса, Ихтиёрнинг "Бекор юргандан кўра, сен ҳам бизнинг корхонамизга ишга кир", деган таклифига ичида жон, деб рози бўлса-да, ташига чиқармай сўради: — Бошлигинг қабул қилармикин?

— Мен айтсам қабул қилади, — деди Ихтиёр ўртоғига нафи тегаёт-

ганидан астойдил қувониб. — Эртага бирга кетамиз. Бошлиқнинг олдига сени ўзим олиб кираман.

Дарҳақиқат, Чилонзор туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи энг илғор ходимининг илтимосини ерда қолдиришни истамади. Ихтиёрнинг "ўртоғимга ўзим кафилман", деганидан кейин рози бўлиб, Равшанни унга вақтинча ёрдамчи сифатида бириктириб қўйди. Равшан ўртоғи, яъни ҳудуд назоратчиси ёнида юриб, ундан тўлов қвтанцияларини тўлдиришни, мавжуд қарздорликни ҳисоблашни ўрганиш билан бирга, "вақти келиб бундан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш мумкин", деган шум ниятни кўнглига тутиб қўйди. Орадан кўп вақт ўтмай айнан мана шу ғарз мақсад йўлида ўзига бегарз ёрдам берган дўстининг кўзини шамғалат қилиб, ундан яширин тўлов қвтанцияларининг бўш бланкаларини ўғирлашдан тап тортмади. Энди Равшан ўзининг мустақил фирибгарлик фаолиятини бошлаши учун устозидан айро юриши керак эди. У бунинг ҳам йўлини осонгина топди, ўзини касалликка солиб, ишга чиқмади. Бунинг ўрнига Чилонзор туманидаги Гулистон мавзесидagi хонадонлардан бирининг эшигини тақиллатди. — Туман электр корхо-

насиданман, — дея ўзини таништирди уй бекаси Мавлуда Бердиевага. — Электр энергияси учун катта қарзингиз бор экан. Ҳозир электр токини узиб қўйишим керак.

Табиики, хонадон соҳибаси иложи борица тез кун ичида қарзларини тўлашини айтиб, ундан токни узиб қўймадликини илтимос қилди. Сохта назоратчи "Ё ҳозир тўлайсиз, ё токни узиб кетаман", деб қатъий туриб олгач, ичкаридан 250 минг сўм олиб чиқди: — Ҳозирча, шуни олиб туринг, қолганини ҳам тез кунда тўлаймиз.

Равшан аранг рози бўлгандек, ўғирланган қвтанцияни Ихтиёр Тожев номидан тўлдириб, уй эгасига тақдим қилди, пулни эса чўнтакка урди. Шу кун у айнан шу тарзда яна бир нечта хонадон эгаларидан маълум бир миқдорда мўмай пул ундиришга эришди. Орадан бир-икки ҳафта ўтказиб, қинғир ишининг қийғи чиқмаётганига ишонч ҳосил қилгач, ўзи билган хонадонга такроран бориб, М.Бердиевадан тўланмай қолган қарз 286 минг сўм пулни олди-да, жигилдонига урди. Бу орада Р.Шотурсуновнинг қинғир қадами шубҳа уйғотдими ёки мунтазам равишда иш жойида сабабсиз бўлмадлигидан норози бўлибми, корхона раҳбари унга сино муддати туганлиги ва ишга қабул қилинмаслигини билдирди. Ўзича, энди текин даромад манбаини топиб олдим, деб хомхаёлга борган Равшан бу хабардан кўп ҳам хафа бўлмади. Шундан сўнг ҳам бир қанча хонадон эгаларини чўв туширди. Ажабланишлик, сохта назоратчи ташриф буюрган жойда унинг хизмат гувоҳномасини сўраш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. "Кўза кунда эмас, кунда синади", деганларидек фирибгарнинг қилмишлари узоққа бормади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан унинг кирдикорлари фош қилинди. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг очик сайёр суд мажлиси айбдорнинг қилмишидан астойдил пушаймонлиги, оилавий шароити ва жабранувчиларнинг унга даввоси йўқлиги, у томонидан келтирилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги каби ҳолатларни инобатга олиб, Р.Шотурсуновга иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, икки йил мудатга ахлоқ тузатиши ишлари тайинлади.

**Даврон АБДУНАЗАРОВ,**  
Бosh прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими катта инспектори, Фарида ҚОРАҚҮЛОВА,  
"Инсон ва қонун" мухбири

## "ҚОРА БОЗОР" УЧАРЛАРИНИНГ ҚОРА ҚИЛМИШИ ФОШ ЭТИЛДИ



БАЎЗИДА ўйлашиб қоласан, киши. Қўп пул топиб, ақл топмаса ҳам қийин экан. Йиллар давомида тийинни тийинга улаб, пластик қарточкасига 151.000.000 сўм миқдорига пул маблағини йиққан Бегзод Ашуров (исм-шарифлар ўзгартирилган) заруриятдан келиб чиққан ҳолда, қарточкасидаги маблағни нақдлаштироқчи бўлди. Шу орада айрим "узун кулоқ" таниш-билишлар унинг бу муддаосини билиб, унга ёрдам беришга шошилди. Яъни, пластик қарточкадаги яхшигина маблағдан хабар топган Фотима Рўзиева анчадан бери валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш билан шугулланиб келарди. Навбатдаги режасини амалга ошириш мақсадида Сардор Аминов ва Фаррух Ниёзовлар билан олдиндан тил бириктириб, Яққасарой туманида жойлашган Қушбеги даҳасидаги "Александрия" кафеси ёнида учрашди.

Сўнгра С.Ҳақимовда бўлган лекин Бегзод Ашуров номига расмийлаштирилган ҳисобиди 151.349.200 сўм миқдоридagi пул маблағини 18 фоиз устама билан нақд қилиб олди. Ушбу нақдлаштирилган пул маблағининг 138.195.000 сўмини АҚШ долларга, ҳар бирини қора бозор курсида 8.300 сўмдан ҳисоблаб, барча ҳисоб-китоб ишларини обдон келишиб олди. Шундан кейин Бегзод Ашуровнинг пластик қарточкасини олиб, шериклар ўз қўлларида турган АҚШ доллар дастасини санай бошлади. Бу ишни улар кўздан пана жойда, яъни ўзларининг шахсий машинасида бажаришни маъқул топди. Келишилгандек, қарточка эгасига 16.650 АҚШ долларини бериш керак эди. Чақонлик билан ишга киришиб кетган ҳамтовоқлар бу ноқонуний ишдан устама фоиз эвазига яхшигина фойда қўришарди-да. Афсуски, бу шерикчилик узоққа чўзилмади. Биргалашиб ўйлаган қинғир ишининг "қийғи чиқиб", валютафурушлари ўзлари кутмаганда департамент ходимлари томонидан қўлга олинди. Департамент ходимлари ишни судга оширди. Натихада, суд томонидан судланувчи шахслар, яъни Фотима Рўзиева, Сардор Аминов ҳамда Фаррух Ниёзовларнинг ўз айбига қисман иқдор бўлганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, шахсини, яъни муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий фикр билдирилганлигини инобатга олиб тегишли жазо чораси белгиланди.

**Н.ҲАМДАМОВ,**  
Бosh прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими инспектори, Гулжа НУРМАТОВА,  
"Инсон ва қонун" мухбири

## ҚУДАННИНГ ЧЎНТАГИГА ҚЎЛ СОЛАДИГАН ҚУДАВАЧЧА

АСРОР ҳар гал Тошкентга келганида опаси Шохистани уйда тунаб қоларди. Бу гал ҳам у Хоразмдан азим пойтахтга кириб келганида кечки соат 19:00 лар эди. Асрор опасининг уйига кираккан қуда бобо — Равшан ака уни одатдагидай илиқ кутиб олди (Исм-шарифлар ўзгартирилган).

— Эй, жуда ризқли йигитсан-да, туғилган кун бор эди. Энди иккаламиз деҳқон бозорига бориб келамиз. Бир маза қилиб ўтирайлик, — дея Равшаннинг елкасидан қўиб қўйди.

— Раҳмат, унда бозорга кетдик, — деди Асрор ҳам қуданинг меҳридан ийиб. Улар бозордан дастурхон учун керакли маҳсулотларни олиб келгач, Шохиста дастурхон беади. Унганча почаси Улуғбек ҳам келиб қолди. Улар байрамона дастурхон устида у ёқ бу ёқдан сўхбатлашиб ўтиришди.

— Энди мен дам олай, эртага вақтли

туришим керак, ишим бор, — дея Асрор Равшан акага юзланди.

— Майли, ўзи бугун узоқ йўл босиб келгансан, мени ётоғимга кириб, дамнинг ол, — дея дастурхонга фотиҳа ўқилди.

Асрор ётоқхонага киргач, эгни-бошини ечиб шкафта қўяётганида Равшан аканинг осилиб турган костюмига кўзи тушди. Кутилмаганда хаёли учди. У костюмининг чўнтағига қўл соларкан, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Ҳали бунақа катта миқдордаги пулни қўлга ушламагани учун бир даста долларни қўриб энтикди. "Ух-ху, Равшан аканинг чўнтағида шунча пули бўлса, сандигида яна қанча бор экан-а", деган хаёл дилидан ўтди. Сўнгра нима бўлса бўлар, деган таваккал билан пулни чўнтағига солди-да, тезда мезбонлар ҳузурига — опасининг олдига борди.

— Опа, кетмасам бўлмайди, зарур ишим чиқиб қолди, — деди шошиб.

— Шу пайт қаёққа борасан, вақт ҳам

алламаҳал бўлиб қолди. Эртага кетарсан, — деди опасига қўшилиб Равшан ака ва почаси.

— Йўқ, меҳмондорчилик учун раҳмат, ўртоқлар шошилиқ чақиршапта, — дея Асрор кўзларини олиб қочди.

Асрор уйдан ташқарига чиқаркан, енгил нафас олди. Бир зумда қўлга киритган пулни олиб санаркан, 9 050 АҚШ доллар эканлигини билиб, ўлжасидан севиниб кетди.

У ўзини ниҳоятда бойвачча инсонлардай тутиб керилди ва 100 АҚШ долларини йўл-йўлакай ўзбек сўмига айриб олаб олди. Сўнгра кафега кириб, кўнгли тусанган овқатни, яна 0,5 литр спиртли ичимликни ҳам буюртма қилди. Асрор бир ўзи ярим шиша ароқни ичиб бўшатди. Маст бўлиб қолгач, аранг оёқда туриб кўчага чиқди. Кўнгли кўп қаватли уйлар атрофидаги сауна, яъни соғломлаштириш мажмуасига киришни орзулади. Ҳали бунақа жойга кириб кўрмагани учун чўнтағидаги долларни массажчига бериб юборай, деди.

Бир ёқда спиртли ичимлик, бу ёқда танасини яйратаётган массаж таъсирида ухлаб қолди. Шохиста опаси телефон қи-

либ, пулни сен олмаганмисан, деган овзини элас-элас эшитгандай бўлди. Хуллас, опасига Равшан аканинг пулини олмаганман, дея телефонини ўчириб қўйганлиги ёдида. У ёғини эслай олмади.

Асрор эртаси тонгда боши гувлаб уйғонди. Шохиста опасининг уйда нималар бўлганини бирма-бир эслади. Бирдан "энди уларни олдига қандай бораман, пулларини қандай қилиб топиб бераман", дея кўрқиб кетди. Яхшиси Равшан аканинг пулларини ишлаб қайтараман, деган ўй билан ўйиш тўприк блок пости орқали Қўрағон Республикасининг Чимкент шаҳрига чиқиб кетди.

Бироқ жиноят жазосиз қолмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг тезкор ҳаракатлари туфайли қудасининг чўнтағига қўл солган йигитча қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан А.Шамсиев қилмишига яраша тегишли жазосини олди.

**Бекзод УМИРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди судьяси

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФИЛИАЛ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ жорий йил 7 февралдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори юзасидан тахририяти-мизга кўплаб фуқароларимиз турли саволлар билан мурожаат қилишмоқда.

### ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФИЛИАЛ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИНГ

**?** — Президент Қарорига кўра, янги ташкил этилган Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиалнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

**Нормухаммад ТОШЕВ,**  
Тошкент вилояти

— Мазкур Қарор билан ташкил этилаётган Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлайди ва қайта тайёрлайди. Филиал битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида махсус касбий тайёргарликни ўтамасдан, “лейтенант” махсус унвонига эга бўлиб, ички ишлар органларида хизматга қабул қилинади. Филиалда ўқишни тамомлаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида камида 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини оладилар.

### ТАЪЛИМ ҚАНДАЙ ОЛИБ БОРИЛАДИ?

**?** — Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалига ўқишга қабул қилиш тартиби ва таълим шакллари ҳақида маълумот берсангиз.

**Зайниддин САБИРОВ,**  
қувчи

— Ихтисослаштирилган филиалда “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш” соҳа мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш кундузги таълим шакли бакалавриятнинг махсус уч йиллик дастури бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади. “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш” мутахассислиги бўйича олий ноюрдик маълумотга эга бўлган кадрларни қайта тайёрлаш кундузги таълим шаклида махсус олти ойлик дастур бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади. Бакалавриятта қабул квотаси йилига 255 кишини, кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича эса — ҳар олти ойда 50 кишини ташкил этади. Бакалаврият дастури бўйича филиалга қабул танлов асосида амалга оширилади. Қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва Миллий гвардия кўмондони тавсиялари асосида олий ноюрдик маълумотга эга бўлган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қабул қилинади.

### НОЮРИДИК КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

**?** — Президентимизнинг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридан ноюрдик маълумотга эга бўлган кадрларни қайта тайёрлаш ҳақида ҳам гап боради. Бу таълим жараёни қандай кечади?

**Мансур ОРИФБОЕВ,**  
маҳалла посбони


— Филиалда таълим олиш жараёнида талабаларнинг психологик тайёргарлиги, ахлоқи ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик кўникмаларини такомиллаштиришга ургу берилди. Уқув жараёни модуль тизимига асосланади. Шунингдек, бўлажак таълим олувчиларнинг янги даргоҳда замонавий билим олиш баробарида базавий ва амалий касбий тайёргарликка эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Саволларга ТДЮУ декани  
Отабек БОБОЖОНОВ жавоб берди.

### СУЮНЧИ ПУЛИНИ ҚАНДАЙ ОЛСАМ ЭКАН?

— ИШ жойимга яқинда туғилган фарзандим учун суюнчи пули олиш мақсадида хужжатларни топширган эдим. Ҳисобчимиз эса хужжатларни йўқотиб қўйибди. Энди нима қилсам бўлади?

**Камола ЖАЪФАРОВА,**  
Қашқадарё вилояти



— “Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан бола туғилганлиги ҳақидаги маълумотнома йўқотилган тақдирда бир йўла тўланадиган нафақа ФХДЭ бўлимлари томонидан берилган бола туғилганлиги ҳақидаги такрорий маълумотноманинг ҳамда отанинг иш жойидан (ўқиш жойидан) нафақа олмаганлиги ҳақидаги маълумотнома топширилганидан сўнг берилди.

Бола туғилгани учун нафақа бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида мурожаат қилинганда тўланади.

### ТАЛАБАЛАР ҲАМ ИШЛАШИ МУМКИНМИ?

— УНИВЕРСИТЕТДА 4-босқичда таъсил олаяпман, мактабда дарс берсам бўладими?



**Дилшод ОМОНОВ,**  
Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига асосан тасдиқланган “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги низомга кўра, олий таълим муассасасининг 4-босқичида ўқийётган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

### РОССИЯДАГИ МАШИНАМНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ КЕЛСАМ БЎЛАДИМИ?

— РОССИЯДА ҳайдовчи бўлиб ишлайман, машинамни Ўзбекистонга вақтинча олиб келсам қанча бож тўлайман?  
**Ўлмас ҲАЙИТОВ,**  
Россия Федерацияси



— Хорижий автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикасига олиб киришда божхона пости ходими томонидан “Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома” расмийлаштирилади.

Мажбуриятнома автотранспорт воситаси божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган календарь йил мобайнида жами тўқсон календарь кундан ошмайдиган муддатта расмийлаштирилади.

Макур муддат ўтганидан сўнг автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикасида бўлишига ҳар бир кун учун двигателъ ҳажмининг ҳар куб.сантиметридан — 0,01 АҚШ доллари миқдорига йиғимни тўлаш шарти билан йўл қўйилади.

### ФАРЗАНДИМ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ БЎЛА ОЛАДИМИ?



— ЎЗБЕКИСТОН Республикаси фуқаросиман. Турмуш ўртоғим чет эл фуқароси. Яқинда фарзанд кўрдик. Энди фарзандимизнинг фуқаролиги қандай белгиланади?

**Нодир РУСТАМОВ,**  
Навоий шаҳри

— Ота-онанинг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган куйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади:

— Агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса;

— Агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлса;

— Ота-онанинг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлган бўлсалар, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Ота-онанинг бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар у Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади.

Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси белгиланиб, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола, қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Саволга Навоий вилоят ИИБ Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармаси ходими  
Нигора ДАВРОНОВА жавоб берди.

Йўлнинг нариги қисмига ўтишим керак

ПИЁДАЛАР ЙЎЛАГИ ҚАЕРДА?!..

БАРЧАМИЗ турли юмушлар сабаб кўча-кўйдамиз — шовилиамиз. Шаҳарнинг уловлар билан гавжум йўлларида бошинг гир айлини кетади киши.



Фотофакт

Бундай вазиятларда кўнглини хижил қиладиган кўринишлар ва буларнинг оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисоту тасодифлар учраб туради. Яқинда ўзим шундай йўл ҳаракати воқеасига гувоҳ бўлдим.

— Бу ер отаннинг эгачими? — деб ўшқирди ҳайдовчи. — Ҳайдовчи ҳайдовчи қандай йўл ҳаракати бўлган кўйдамиз — шовилиамиз. Шаҳарнинг уловлар билан гавжум йўлларида бошинг гир айлини кетади киши. Ҳаракат хавфсизлигимизни таъминлашда беиннат кўмакчи бўлиб хизмат қиладими.

Юқоридики каби ундан-да янглироқ вазиятларнинг юзга келишига ҳайсида маънода шу сифатсиз йўл белгилари сабаб бўлаётгани эҳтимолдан ҳоли эмас...
Ноил ДАВЛЕТОВ, Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ходими, лейтенант.
ОДДИЙ ПИЁДАЛАРНИНГ ҲАМ ВАЗИЯТ КЎРБОНИ БУЛАЁТГАНЛИГИ ЭМОН — Ҳайдовчи ва педда ўртасидаги ҳавфсизлигини таъминлашда ҳаракатлини маданияти аҳамиятлидир.

юзга келаётгани ачинарли ҳол. Жорий йил бошидан буён Тошкент шаҳри кўчаларида жами 96 та автоҳалокат ҳолати рўйхатга олинган бўлиб, шундан 117 нафар йўловчи оғир жароҳатланган, 8 нафари эса ҳаётдан кўз юмган. Албатта, бу каби бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари бисёр.

Саиднаби ҚАҲҚОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Янги технологияларни татбиқ этish бўлими бошлиғи:

Биз ҳалиям эскича йўл системасидан чекланиб олганимизча йўқ. Бугунги кунда мамлакат ирриқ туризм ва инвестициялар марказига айланиб бораётган. Мамлакатта чет элликлар келаяптими, демак уллар учун ҳам тушунарли, дунё стандартларига мос йўл белгиларини амалиётга жорий қилиш керак бўлади.

ниш ҳолатлари, ёгин-сочин мавсуми ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлапти. Аини пайтда шаҳар ичидаги педдалар ўтиш йўлакларини, оралиқ полас-ленталарни тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳар уч ойда бўяб боришни йўлга қўйганимиз. Албатта, бу борада бўёқнинг сифати, чидамлилигини ҳам алоҳида айтиб ўтишимиз керак.

Ислом ИБОДУЛЛА, "Инсон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларида
ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Қорағайотқоғон Республикаси
Тактаўғир туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қорағайотқоғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хоразм вилояти
Гурлан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Шевот туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хива туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

ага бўган, шу муноظдан, нотариал идораларда қандайдир йил саноқловка ўтаган, маълум иттиҳонинг тошқариб Ўзбекистон Республикаси фуқаролик нотариус бўлиши мумкин. Суҳудлик лавозимига қамада биел йил иштига биел нотариус ёрдамчиси бўлиб адириб оранингимиз нотариал фаолиятга рабарлик қилиш ва убу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларига қамада уй йил иштига шаҳсар учун саноқловка қамада ўтиш талаб қиленамиз.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 06.02.2019 йилда 680690 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Узрисор маҳалlesi, ТХАЙ "O'zkoq kavlo kompaniya" масулети чекланган жамияти ҳудудида жойлашган 7-навоялд 21-дўкон маҳалlesiда давлат рўйхатдан ўтган "XUSITONIKON.BELO" ҳусуий корпорацияси (СТПР 308 090 810) талқинчилигини 2019 йил 13 февралдаги 1-сонли қарорига асосан туғатилади.

# “БОБУРНОМА” АСАРИ

ЎЗМА ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЭНГ БЕБАҲОСИДИР

**МАЪЛУМКИ,** мамлакатимизда халқимизнинг бир қанча улуг аждодлари қаторида Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Тарихда 332 йил ҳужм сурган Бобурийлар сулоласининг асосчиси маҳоратли саркарда, илму урфонда ўчмас из қолдирган, мумтоз адабиётимизнинг ажойиб сўз санъаткори Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий аммабон наشرлар, бадиий-адабий асарлар, диссертациялар боис бобуришунослик илми шаклланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Заҳриддин Муҳаммад Бобур йирик давлат арбоби, буюк саркарда бўлиш билан бирга, ўрта аср шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, қомусий олим ҳамдир. У кенг дунёқарашли, ўткир сиеъатдонлиги, мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, ушбу мамлакат тарихида давлат асосчиси сифатида ном қолдирган, бой маънавий меросининг шоҳ асари “Бобурнома” билан жаҳоннинг машур тарихшунос олимлари қаторидан жой олган.

Тарих зарварақалари Бобур сиймосини, аввало, ўз киндик қони тўкилган тупроғига садоқатли, ўзга юрт шохлигидан ўз юртининг гадоси бўлишликни афзал билган улуг ватанпарвар сифатида гавдаланти-

ради. Чунки Бобурнинг ёшлиги беташвиш ўтмади, 12 ёшида отасидан етим қолиб Фарғона улусининг ҳокими этиб кўтарилгач, қаламини қилчга алмашиб, Андижон тахти учун ўз жигарларига қарши курашишга мажбур бўлди. Бир неча йил давом этган Самарқанд тахти учун кураш қиргинбаротдан бошқа натижа бермади. Халқининг осойишталиги йўлида ўз ватанини ташлаб чиқишга мажбур бўлган Бобур қисқа фурсат ичида Ҳиндистонни қўлга киритади.

Тарихий маълумотларга кўра, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Деҳли ҳукмдори Иброҳим Султон сиеъатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам уни қўлланганлар. Бу галабалар Бобурга Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиш имконини берди. Европа тарихчилигида “Буюк мўғуллар” номи билан машур бўлган, ас-

лида, Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 300 йилдан ошиқ ҳукмронлик қилди.

Бироқ Бобур бу галабалардан кейин узоқ яшамади. Шу қисқа фурсат ичида Бобур Ҳиндистонда сиеъий муҳитни барқарорлаштиришга эришди.

Бундан ташқари, шаҳарларни ободонлаштириб савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўя олди. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурда ўша даврнинг зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, муסיқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий муҳит вужудга келди. Чунки Бобур ўз даврининг тарихчиси, этнограф, улқашуноси, диншуноси эди.

Юртимизда унинг бой маънавий меросини ўрганишга бўлган эътибор мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ кўзга ташлана бошланди. Жумладан, Халқаро Бобур номи билан боғлиқ 500 дан ортиқ китоб ва манбалар бор. Эътиборлиси шундаки, буюк ватандошимиз Бобурнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шунингдек, улуг мутафаккир, тарихчи ва давлат арбоби, марказлашган салтанат асосчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг мукаммал, бетакрор тарихий шахс эканлиги ва қолдирган бебаҳо мероси жаҳон ҳамжамиятини ҳам ўзига мафтун этмоқда. Хусусан, Клаус Шолг (Германия), Эйжи Мано (Япония), Уиллер Текстон (АҚШ), Мансура Ҳайдар (Ҳиндистон), Грамон Беке (Франция),

Рамиз Аскер (Озарбайжон) каби бобуришуносларнинг Бобур ва бобурийлар тарихи борасидаги илмий изланишлари таҳсинга сазовор.

Шу маънода айтганда, Бобур маънавий меросининг шоҳ асари “Бобурнома” Осиёнинг ҳаққоний тарихини акс эттирувчи китобдир. “Бобурнома” дек қомусий асар муаллифининг қанчалик ўткир билимли эканлигини исботлайди. Анетта Бевериж хоним таъбири билан айтганда, “Бобурнома” бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир”. Қолаверса, “Бобурнома”нинг ундан ортиқ қўлёзма нусхалари бор. Ушбу асар 1905 йил Лондонда А. Бевериж хоним томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Шунингдек, “Бобурнома” 4 марта инглиз, 3 марта француз, 1 марта немис тилларига ўғирилган.

Энг муҳими, Заҳриддин Муҳаммад Бобур янги алифбо “Хатти Бобурий”ни кашф қилди, унда шеърлар ёзди ва Қуръон кўчирди. Бобурнинг дастхати, Оббурдон қишлоғи Озаҳак булоғи бошидаги тош битикка академик А. Семёнов: “Бобур тош битиги жаҳоннинг энг нуфузли музейлари зийнати бўла олади”, деб баҳо берган эди.

Ҳақиқатан, ўз даврининг буюк мутафаккири, одил шоҳ — Бобур халқига, аждодларига муносиб тарзда ватанини севишга ундовчи, абадиятга дахлдор азиз ва қадрли сиймодир.

**Ҳадича САЙДУЛЛАЕВА,**  
**Улугбек ОЛИМОВ,**

Тошкент Давлат Юридик университети ҳузуридаги академик лицей ўқувчилари

РЕКЛАМА

Ҳурматли тадбиркорлар

## “АСАКА” БАНК

**бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун қўйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар тақлиф этади:**

- Коммерцбанк А.Г. (Германия);
- КФВ Ипекс Банк (Германия);
- Ландесбанк А.Г. (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки;
- Хитой Халқ Республикаси ICBC Банки;
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Тараққиёт Банки;
- Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки — “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси Эксимбанки;
- Туркия Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро Тараққиёт Агентлиги — “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида.

**“АСАКА” БАНК — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

Маълумот учун телефонлар: (78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24, 120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.

[www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz)

Хизматлар лицензияланган.

**ИНСОН ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



[www.minjust.uz](http://www.minjust.uz)

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулов Ахбар Журабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тожиёв Фуркат Шомуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна  
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи  
Гулҳаё  
Нурметова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур  
Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 12031  
Буюртма — V-3145  
Тошпириш вақти — 19:00  
Тошпирилди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.  
Сайилгоҳ кўчаси-35.  
Факс: (0371) 233-44-23,  
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келишилган нархда  
1 2 3 4 5